Ishonch
2011-yil 18-yanvar № 8 (2889)

## Мустақиллик иншоотлари



**«Трастбанк» хусусий тижорат банки Президентимизнинг 1994 йил 28 февралдаги Фармонига биноан ташкил этилган. 2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида банк бошқаруви Андижон вилоятида ўзининг яна бир филиалини ишга туширди.**

Лойиҳа қиймати 250 млн. сўмни ташкил этган банкнинг қўшқаватли биносини «Бинокортаъмирқурилиш» МЧЖ қурувчилари бунёд этди.

Банк филиали республикадаги 3-филиал бўлиб, бунгача Наманган ва Термиз шаҳарларида ҳам банк филиали фаолият кўрсатганди. Банк фаолияти натижасида 24 нафар ёш банк ходимлари муқим иш ўринларига эга бўлдилар.

**Суратда: Банкнинг рамзий калити топширилмоқда.**

**Абдуносир ҚЎЧҚОРОВ олган сурат**

/// Касаба уюшма тадбири

# Ҳамиша эъзозда

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ёшларни ҳар жиҳатдан комил инсон, етук ватанпарвар бўлиб улғайишига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан касаба уюшмалари томонидан ўқув муассасалар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда байрам тадбирлари, учрашув, давра суҳбатлари, кўрик-танлов ва спорт мусобақалари ташкил этилди. Тадбирларнинг юқори савияда, кенг жамоатчилик иштирокида ўтаётгани уларнинг таъсирчанлиги ва аҳамиятини оширмоқда.***

*Айниқса, Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирлар ҳарбий хизматчиларни моддий қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлди. Марказий кенгаш раёсати қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Республика Миллий хавфсизлик хизмати давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасига иккита компютер жамланмаси совға қилинди.*

*Шунингдек, Ватан хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда ўз жонини фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун хайрия марафони ташкил этилди. Унда Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Республика Миллий хавфсизлик хизмати, Бош Прокуратура, Давлат Божхона ва Солиқ қўмиталари тизимларида хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлганларнинг 330 нафар фарзандига хайрия тадбири сифатида байрам совғалари улашилди.*

*Ёшларни Ватанга содиқ, фидойи, чинакам ватанпарвар бўлиб етишишлари учун касаба уюшмалари ташкил этган тадбирлар тарбия мактаби вазифасини ўтамоқда. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг маънавий-ахлоқий қарашларини шакллантириш, улар қалбида она Ватанга садоқат ҳамда улуғ аждодларимизга муносиб ворислик туйғуларини уйғотиш, оталаридек мард ва жасур бўлиб улғайтириш, қолаверса, юрт тинчлиги учун шаҳид кетганлар хотирасига эҳтиром кўрсатишдир.*

**Ўз мухбиримиз**

///Касаба уюшма ҳаёти

# Сарҳисоб

***Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакиллигига кирувчи корхона ва ташкилотларда 36788 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Қаердаки, ходимлар ҳуқуқ ва манфаатлари тўғри ҳимоя этилиб, унга зарур шарт-шароитлар яратилса, ўша корхонада ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши кузатилади. Тармоқ касаба уюшмаси аъзолари сонининг йилдан-йилга кўпайиб, ходимларнинг касаба уюшма қўмиталарига ишончи тобора ортиб бораётгани қувонарли. Қатор йўналишлар бўйича тармоқ корхоналарида касаба уюшма қўмиталари томонидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилганда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.***



### Ижобий ечим

Вакиллигимизда 2010 йил давомида тизимда фаолият кўрсатиб турган корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчи ходимларидан 61 та турли мазмундаги мурожаатлар қайд қилинди.

Улар асосида жойларда мутахассисларимиз томонидан ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинди. Жумладан, икки нафар ходимнинг иши фуқаролик ишлари бўйича Қарши шаҳар судида кўриб чиқилиб, вазифасига тикланди.

Яна беш нафар ходимнинг аризаси ўрганиб чиқилди ва вазифаларига тикланди. Етказилган моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилди.

### Меҳнат муҳофазаси ва қулайликлар

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, улар учун муносиб иш шароитлари яратиш, иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик асосида меҳнат муҳофазаси муаммоларини ҳал этиш касаба уюшмалари олдида турган долзарб вазифалардандир.

Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш, хотин-қизлар учун гигиена хоналарини санитария талаблари асосида ташкил қилишга, ноқулай, зарарли иш шароитида ишлайдиган хизматчиларни бепул сут маҳсулотлари билан таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда. Меҳнат муҳофазаси тадбирлари, махсус кийим, пойабзал, ҳимоя воситалари, даволаш, профилактика, сут, чой ва совун маҳсулотлари учун маблағ ажратилди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда тўрт поғонали текширувлар ўтказиляпти. 2010 йилда I-II-III поғонали текширувларда 312 та камчилик аниқланди ва бартараф этилди.

Шунингдек, режамизда мавжуд корхона ва ташкилотлар ҳисобидаги ётоқхоналарда маданий-маиший шароитларни яратиш кўрсатиб берилган.

Масалан, «Шўртангазкимё» мажмуаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ишчиларга нафақат хавфсиз меҳнат шароитлари, балки барча қулайликларга эга ётоқхоналари билан бошқаларга намуна бўла олади. Айни пайтда 3-ётоқхонада таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ётоқхоналар Ғузор туманининг «Шўртангазкимё мажмуаси» ишчилар шаҳарчасида жойлашган бўлиб, ҳар бирида маънавият ва маърифат хоналари қайтадан ташкил этилмоқда. Шаҳарчада ишчилар учун музей ва кутубхона ишлаб турибди. Алоҳида ҳаммом мавжуд бўлиб, ходимларга бепул хизмат кўрсатади.

Ётоқхонанинг барча хоналари телевизор, музлатгич ва кондиционер билан таъминланган. Чойшаблар, ёстиқ жилдлари ҳар сменадан кейин алмаштирилади.

Шаҳарчада ёрдамчи шифохона, иккита ошхона, новвойхона, сартарошхона ишлаб турибди.

### Спорт — доимий ҳамроҳимиз

Баркамол авлод йилида ҳам спорт тадбирларига катта эътибор қаратилди. Кураш, теннис, мини футбол спорт турлари бўйича анъанавий мусобақалар ташкил этилдики, бунинг натижасида ҳар бир ташкилот ўзининг шаклланган ҳаваскор спортчилар жамоасига эга бўлишди.

2010 йилда республика тармоқ спартакиадаси Шаҳрисабз шаҳридаги «Беруний» оромгоҳида муваффақиятли ўтказилди. Асосан ёшлар иштирок этган спорт анжуманида вилоятимиз терма жамоаси умумжамоа ҳисобида ғолибликни қўлга киритди.

Яқинда Чирчиқ шаҳрида «Отам, онам ва мен — спортсевар оила» шиори остида ўтган спорт мусобақасида эса жамоамиз фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

«Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Шўртангазкимё» мажмуаси, Қашқадарё вилоят ҳудудий электр тармоқлари ОАЖда спортга берилаётган эътибор, ўтказилаётган спорт тадбирлари таҳсинга лойиқ.

### Эзгу соғломлаштириш

Оромгоҳларда катта кўламдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. «Ёш алангачи», «Ниҳол», Беруний номидаги, «Шўртан қалдирғочи», «Нурафшон», "Соҳибқирон», «Бинокор» ҳамда «Лочин» болалар оромгоҳларида тайёргарлик феврал ойидаёқ бошлангани сўзимиз исботидир.

Масалан, «Шўртангазкимё» мажмуасига қарашли «Лочин» болалар оромгоҳида хўжалик ташкилоти ҳисобидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун 4 миллиард 642 миллион сўм лойиҳалаштирилиб, «Лочин кемаси» деб номланган 200 ўринли ва 160 ўринли «Пирамида» шаклидаги ётоқхоналар қуриб битказилди. Мавсум давомида мазкур оромгоҳда 4000 нафар ўғил-қиз дам олдирилди. Бундан ташқари, бу ерда «Келажак овози» форуми ўтказилиб, турли вилоятлардан келган 530 нафар иқтидорли ёш ҳордиқ чиқаришди.

Барча оромгоҳларимизда дам олувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун спорт ва санъат намояндалари билан учрашувлар ташкил этилди. Вакиллигимиз ва киностудиялар билан тузилган шартномаларга асосан, турли тарбиявий ҳамда бадиий филмлар намойиши бўлиб ўтди.

**Акбар ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакил ўринбосари**

---

лари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади. Музокара иштирокчиларига жамоа шартномаси мазмунини ташкил этувчи масалаларни эркин танлаш ва муҳокама этишда тўла эркинлик берилади.

Иш берувчилар касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари кўриб чиқиш учун таклиф этган меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга мажбурдирлар.

Иш берувчилар касаба уюшмаларига, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига музокаралар учун ўзларидаги зарур маълумотларни беришлари шарт. Музокараларнинг қатнашчилари, музокара олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, башарти ўзлари олган маълумотлар давлат ёки тижорат сири бўлса, уларни ошкор қилмасликлари керак.

Агар музокаралар жараёнида тарафлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муросага кела олмаган бўлсалар, баённома тузилиб, унга тарафларнинг бу сабабларни бартараф этиш учун зарур чоралар ҳақидаги тугал равишда баён этилган, шунингдек, музокараларни қайта тиклаш муддатига доир таклифлари киритилади.

Комиссия ишлаб чиққан жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси)да маъқулланганидан кейин уч кун ичида имзо чекишади.

Иш берувчининг манфаатларини ифода этувчи шахслар қуйидагилар учун жавобгар бўладилар:

— жамоа шартномасини тузиш, ўзгартириш ёки тўлдириш юзасидан олиб борилаётган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаганлик ёки уларни ишлаб чиқиш ва тузиш муддатини бузганлик ёхуд тарафлар белгилаган муддатда тегишли комиссиянинг ишини таъминламаганлик учун;

— музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномасига риоя этилиши устидан текшириш олиб бориш учун керакли ахборот тақдим этмаганлик учун;

— жамоа шартномаси мажбуриятларини бузганлик ва бажармаганлик учун.

Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи талабига кўра мулкдор ёки у вакил қилган шахс жамоа шартномаси мажбуриятлари бузилишида ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган раҳбарга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

Жамоа шартномаларини тузишга оид мазкур тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (2008й. 29 декабр №76/1), Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (2008 й. 29 декабр №ДЖ-05/641а) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (2008 й. 30 декабр №11/АШ-07-2675) ўртасида келишилган жамоа шартномаси макети асосида ишлаб чиқилган.

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

2

4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тартиби қўлланиладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

5. Йилнинг совуқ фаслларида очиқ жойларда ёки иситилмайдиган ёпиқ хоналарда ишлагани учун ходимларга иш вақтида махсус танаффуслар бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

6. Ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

7. Ходимларга алоҳида тусдаги ишларда, шунингдек, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

8. Ходимларга Корхонада (тармоқда)ги иш стажи учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

9. Йиллик қўшимча таътил бериладиган раҳбар ва мутахассис кадрлар лавозимлари рўйхати.

10. Ходимларга оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериладиган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати.

11. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низом.

12. Мукофотлаш тўғрисидаги Низом.

13. Ходимга тегишли мол-мулкдан (автотранспорт воситаларидан ташқари) фойдаланганлик учун харажатларни қоплаш меъёрлари.

14. Ходимларга кўчиб юриш билан боғлиқ ишлар учун устамалар тўланадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.

15. Доимий иши қатнаб бажариладиган характерга эга бўлган, шунингдек, бириктирилган участкалар доирасида хизмат қатновларида ходимлар сарф-харажатларини қоплаш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

16. Корхона (тармоқ)даги кўп йиллик меҳнати учун устамалар тўлаш тўғрисида Низом.

17. Вахта услубидаги иш учун устамалар тўланадиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

18. Ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

19. Ишлар, ишлаб чиқаришлар ва тармоқларнинг технологик турларига биноан ишчилар тариф ставкаларига оширувчи тармоқ коэффициентлари ўрнатиладиган ходимлар касблари рўйхати.

20. Ишдаги иқлим шароитлари учун ёз ва қиш фаслларида қўшимча тўловлар ўрнатиладиган ходимлар касблари, лавозимлари ва тоифалари рўйхати.

21. Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар.

22. Ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, улар малакасини оширишга, шунингдек, ўқувчи

15

га, хом ашё, материаллар, энергия ва бошқа ресурслар иқтисод қилинишига катта ҳисса қўшаётган ходимларни рағбатлантириб бориш.

2.4. Касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалаларни, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ходимлар номидан иш кўриш;

б) касаба уюшма қўмитаси вакилларини корхона бошқарувининг ҳайъат органларига сайланиши имкониятларидан фойдаланиш;

в) касаба уюшмаларига хос услублар ёрдамида, шу жумладан, ходимлар ўртасида меҳнат мусобақаларини ривожлантириш, улар меҳнати унумдорлигини юксалтириш, иш берувчи билан биргаликда ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш тизимларини ўрнатиш орқали корхонанинг барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш;

г) ички меҳнат тартиби қоидаларига, меҳнат интизомига риоя этилишига, меҳнат вазифалари ўз вақтида ва сифатли бажарилишига кўмаклашиш;

д) меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини такомиллаштириш, корхонани бошқариш, жамоа шартномаси мажбуриятларини такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнат шартномасидаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришларига кўмаклашувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий ва истиқболли режа ва дастурларини қабул қилиш каби масалалар юзасидан жамоа музокараларини олиб бориш бўйича таклифларни иш берувчига киритиб бориш;

е) ходимларни рационализаторлик ва ихтирочилик ишларида иштирок этишларига кўмаклашиш;

ж) мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги устувор дастурлар бажарилишини мониторинг қилиш ишларида иштирок этиш;

з) тармоқ кўрик-танловларида иштирок этиш ташаббуслари билан чиқиш.

**III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ.**

3.1. Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўкис иш билан таъминлаш. Касаначиликни ривожлантириш чора-тадбирлари.

3.2. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розлигини олиб амалга оширилиши (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

3.3. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек, бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.

3.4. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш заруряти деб ҳисобланадиган ҳолатлар. *(Маълумот ўрнида: Халқаро*

4

лари асосида касаба уюшмаси аъзолик бадалларини корхона бухгалтерияси орқали ушлаб қолиш ҳамда касаба уюшмасининг ҳисоб рақамларига ўтказиб бериш борасида тарафларнинг мажбуриятлари.

14.4. Иш берувчининг:

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин Касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

б) касаба уюшма қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) касаба уюшма қўмитасининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш мажбуриятлари.

14.5. Касаба уюшма қўмитасининг:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

г) касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

д) иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

е) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олиши ва соғломлаштирилиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрлар доирасида таъминлаш;

ж) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

з) касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга олиб келувчи вазиятларни олдини олишга қаратилган чоралар кўриш;

и) хар хил танловлар, спорт мусобақалари ғолибларини тақдирлаш учун рағбатлантирувчи совғалар ва мукофотлар таъсис этиш;

к) касаба уюшмалари Федерациясининг «Ishonch», «Ishonch-Доверие» газеталарига обунани таъминлаш мажбуриятлари.

14.6. Иш берувчининг касаба уюшмасига сайланган ходимларнинг бўшаб қолган иш ўринларига

13

## Томорқасини гуллатаётганлар

***Ташқари совуқ. Бундай паллада баҳорий манзарага рўбарў бўлиб, тағин лимонзор оралаб, сархил меваларни кўриш, кишига олам-олам завқ бағишлайди. Эшқобил Алимовнинг иссиқхонаси салкам 4 сотих майдонни эгаллаган. Бу ерда 90 туп лимон кўчати парвариш қилинаяпти. Уларнинг 50 тупи икки йилдан буён ҳосил бераётир.***

### Алимовлар иссиқхонаси

Иссиқхонага оёқ боссангиз, юмшоқ тупроқ тўпиққа уради. Бунда Эшқобил акадан тортиб, турмуш ўртоғи Менглихол, ўғли Неъмат, набиралари Анвар, Юлдузларнинг-да хизмати бор.

— Бизнинг шароитда қишда ҳам қуёшли кунлар кўп бўлади, — дейди Э.Алимов. — Шу боис иссиқхонанинг кунчиқар тарафини плёнка билан ёпганмиз. Бундан кўзланган мақсад, плёнка иссиқни тез тортади ва печка ёқишга эҳтиёж қолмайди.

Асл касбим муҳандис. Аждодларимиз чорвачилик билан шуғулланишган. 1981 йил Калламазор қишлоғидан Қизириққа кўчиб келдик. Ўша кезлари деҳқончиликка меҳримиз тушди. Иш юритишни устозим Юсуф ака Шойқуловдан ўргандим. Меҳнатимиз орқасидан кам бўлмаяпмиз. Даромадимиз чакки эмас. Элга тўй бердик, енгил автоулов сотиб олдик. Жорий йил майдонни яна 3 сотихга кенгайтирмоқчимиз. Қурилиш материаллари тахт.

Айтгандай, Алимовлар иссиқхонадан ташқари очиқ майдонда ҳам пиёз, кўкат етиштиришмоқда.

**Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири**

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 18-yanvar № 8 (2889)

# Ташаббус, натижа ва рағбат

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Шунингдек, Баркамол авлод йилида яхши бир ташаббусга қўл урилди. Йилнинг бошида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида ёшларнинг дунёқарашида она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва келажакка ишонч руҳини мустаҳкамлаш борасидаги эзгу ишларни кўрсатиш мақсадида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши билан ҳамкорликда «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» деб номланган Республика танловини эълон қилган эди.



Танловга тақдим этилган материаллар мавзусининг долзарблиги, ижтимоий аҳамияти, жанрларнинг хилма-хиллиги ҳамда услуби билан диққатга сазовордир. Шуни эътироф этиш керакки, иштирокчиларнинг аксарияти ёшлар. Мақолаларда Баркамол авлод йилининг моҳияти, юртимизда соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар, жамиятда ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор ёшлар қатлами шаклланаётгани, дунё ҳамжамияти эътирофига лойиқ иқтидорли ёшлар вояга етаётгани ва улар сони ортиб бораётгани, халқаро фан олимпиадаларида мамлакатимиз ёшлари эришаётган ютуқлар ҳамда замонамиз қаҳрамонларининг қиёфаси ўз аксини топган. Ушбу танлов ғолиблари ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шундан сўнг сўз олган **ЎзКУФК раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров** Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз фаровонлигини янада ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Бу жараёнда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётгани, жумладан, меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқаролар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, касаначиликни янада ривожлантириш бўйича аниқ йўналтирилган ишлар амалга оширилаётганини қайд этди. Бу жараён эса бевосита «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарида акс этаётгани ва буни яна кучайтириш лозимлигига эътибор қаратди.

**Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таҳрир ҳайъати аъзоси:**

— Бугунги тадбирни кузата туриб, ижод аҳлига, умуман, ёшларга жуда ҳавасим келди. Бундай эътибор, рағбат, албатта, янада фаол бўлишга, интилишга ундайди. Умуман, таҳририятнинг ходимларни, асосан, ёшларни қўллаб-қувватлаётганини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

**Шерзод Ғуломов, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси:**

— Журналистика соҳасидаги ислоҳотлар амалдаги ифодаси билан эътиборга молик. Биргина соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришни олайлик. Бу хайрли ишлар натижасида ижодкорларимизнинг изланишга, соҳанинг фидойиси бўлиб ишлашга қизиқиши ортиб бормоқда. Мазкур танловларни ҳам ана шундай нуфузли кўриклар сирасига киритиш мумкин.

**Исмат Очилов, «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танлови ғолиби:**

— Касаба уюшма фаолияти жуда кенг қамровли. Шу боис, айнан, касаба уюшмаларида ишлаётган фаолларни газетага жалб этилаётгани эътиборга молик. Негаки, улар тизимда амалга оширилаётган ишлар, шу билан бирга, муаммолардан хабардор. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, турли танловлар орқали касаба уюшма фаолларини жалб этиб, рағбатлантирилиб борилаётгани қувонарли ҳол. Бундан кейин ҳам ушбу ҳамкорлик яна кенгайтирилса, айни муддао бўларди.

**Шоҳсанам Ниёзова, «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» танловининг совриндори, ЎзДЖТУ талабаси:**

— Амалиёт сабаб кўпгина таҳририятлар эшигини қоққанмиз. Аммо «Ishonch» газетаси бизни ўзгача меҳр, бағрикенглик билан қабул қилди, қўллаб-қувватлади. Мақола ёзиш, таҳрир, журналистик муносабатларни ўрганишимда ушбу даргоҳ катта мактаб бўлди. Танлов совриндори бўлишимда таҳририятнинг хизмати катта. Кейинги фаолиятимда бу ерда ўрганганларим қўл келишига ишонаман.

**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

---

*Аввал хабар бериб ўтганимиздек, «Осиё кубоги — 2011»да иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз гуруҳидаги сўнгги учрашувни Хитой терма жамоасига қарши ўтказди. Бизни дуранг, ҳатто кичик ҳисобдаги мағлубият ҳам қаноатлантирарди. Аммо термамиз бош мураббийи Вадим Абрамов ўйиндан олдин берган интервюсида вакилларимиз фақат ғалаба учун майдонга тушаётганларини айтиб ўтганди. Тўғри, биз ғалаба қозонмадик, аммо олдимиздаги вазифани (чорак финалга чиқишни) уддаладик. Халқ билиб айтгандай: тоққа қараб юравер, ҳеч бўлмаса тепага чиқасан.*




# «Буюк девор»дан ошиб ўтдик

Ўйин тенг курашлар остида кечди. Ҳисоб ҳам шунга яраша бўлди. Хитойликларга ғалаба сув ва ҳаводек зарур эди. Балки шунинг учун ҳам улар биринчи бўлиб гол уришгандир. Ю Хай 7-дақиқада бурчакдан оширилган тўпни дарвозамиз бурчагига жойлаб қўйди. Биринчи бўлиб гол ўтказиб юборганимиздан хавотирланаётганимизда, Одил Аҳмедов жонимизга оро кирди: чап қанотдан ҳужум —> Жепаровнинг аниқ тўп узатиши —> Аҳмедовнинг ақлли зарбаси —> гол (30-дақиқа). Шундан сўнг анчадан бери гол уролмаётган Александр Гейнрих ўз ниятига етди. 47-дақиқада, чамаси 25 метрлардан берилган аниқ ва кучли зарбага Хитой посбони Йанг Чжи тўсқинлик қила олмади. Чиройли гол. Аммо рақибларимиз ҳам бизга муносиб жавоб қайтаришди. Анзур Исмоиловнинг кераксиз жойдаги кераксиз фоли, Хао Цзунминнинг ажойиб зарбаси, Нестеровнинг ранжиган нигоҳлари, Анзурнинг эгик боши (56-дақиқа). Ҳисоб ўзгармади, вазифа уддаланди, бироқ бир олам савол устимизга ёпирилиб келди.

Демак:

**1-муаммо — экспрeментал ҳимоя.** Ҳимоямизнинг кемтиклари бу ўйинда яққол кўзга ташланди. Сунъий ўйиндан ташқари ҳолатларни юзага келтиришда кимдир — ё Аҳмедов, ё Андреев, ё бошқа биров оқсаб қолаяпти. Иккинчи қаватда «нолмиз». Тўртта ҳимоячимиздан бирортаси футболчилар тилида айтганда «зазор»га кирмаяпти. Эътибор қилган бўлсангиз, Анзур Исмоиловдай бўйдор футболчимиз ҳам бир қарич хитойлик футболчига иккинчи қаватда бас кела олмаяпти.

**2-муаммо — «синган қанотлар».** Чап қанот ҳимоясида ўйнаётган Вячеслав Андреевнинг рақибларимизга, очиқчасига айтсак, кучи етмаяпти. Унинг ўрнига Саҳоб Жўраевни туширган маъқулроқ шекилли. Ҳар ҳолда у позицион ҳимоячи. Ҳимояни қандай ушлаш кераклигини Андереевдан тузукроқ билади. Бундан ташқари, жисмонан бақувват. Ўнг қанот ҳимоясида ўйнаётган Виктор Карпенко хитойлик ҳужумчиларга ета олмай ҳалак бўлди. Ҳужумга қўшилиши қийин кечаяпти. Кўрдик, иккала қанотимиздан «йўлак» очиб қўйилди. Санжар Турсунов ва Жасур Ҳасановнинг асосий таркибда туширилиши бизга фойдалироқ назаримизда. Чунки бундан буёғига ҳар бир ўйин бир марта бўлади. Ё ютасан ё...

**3-муаммо — дарвозабон ярим жамоа, аммо...** Нестеров ажойиб реакцияга эга, ўйинчиларга кўрсатма беришни ҳам жуда қотиради, тўпга чиқишда ҳам яхши. Лекин ўша камчилиги – жарима зарбаларини қайтаришга келганда ҳали ҳам ўша-ўша Нестеров. Жаҳон чемпионатига саралаш ўйинларидаги Баҳрайн билан кечган баҳсларни хотирланг. Ўшанда ҳам жарима зарбалари оёғимиздан чалганди. Демак, ҳимоячиларимиз жарима майдончаси яқинида қўполлик ишлатишни бас қилишлари керак.

Терма жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамов мутахассис сифатида бундан бошқа муаммоларимизни ҳам пайқаган, уларни бартараф этиш чораларини излаётгандир.

Хуллас, чорак финалдамиз. Юртдошларимиз 21 январ куни «B» гуруҳида иккинчи ўринни қўлга киритган Иордания терма жамоаси билан ярим финал йўлланмаси учун куч синашади.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

---

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгаш ходими Нуриддин Камоловга отаси

**ЖЎРАБОЙ** отанинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши ва Гулистон Давлат университети маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси жамоалари университетнинг бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси муовини Шомурод Бектурдиевга акаси

**Икром БЕКТУРДИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши жамоаси Ширин шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитасининг собиқ раиси

**Лилия КЕЛМУҲАМЕДОВА**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

---

рак, ярим йил, йил).

4.5. Ходимлар учун махсус танаффуслар ўрнатиш.

4.6. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби.

4.7. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътилларнинг энг кам муддати.

4.8. Йиллик қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари.

4.9. Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойларда ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш тартиби.

4.10. Меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда бериладиган ходимлар тоифаларининг рўйхати (Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари):

4.11. Йиллик меҳнат таътиллари учун ҳақ тўлаш муддатлари.

4.12. Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари.

4.13. Ходимларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари.

4.14. Уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил муқаррар тартибда берилиши лозим бўлган ходимлар тоифалари рўйхати (Меҳнат кодексининг 150-моддасида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари).

4.15. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан унинг муддати тугаши муносабати билан ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларининг бекор қилиниши.

### V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ. КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

5.1. Меҳнат ҳақи шакли ва тизими. Нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми.

5.2. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф сеткалари. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси янада такомиллаштирилганда корхонанинг тариф сеткаси ҳам қайта кўриб чиқилиши борасида иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари.

5.3. Тариф сеткаси нуллик разрядининг мазкур корхонада ўрнатиладиган ставкаси, ўртача иш ҳақини етказиладиган даражаси.

5.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги нисбат.

5.5. Иш хақини тўлаш муддатлари:

5.6. Иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ

6

*Буклаш чизиғи*

— ходимлар орасида туризмни ривожлантириш.

10.3.Соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш борасида тарафларнинг мажбуриятлари (масалан, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун шароит яратиш, меҳнат жамоасида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш, корхона балансида бўлган спорт иншоотлари, стадионлар ва майдончаларнинг фаолиятини ривожлантириш, моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш, спорт инвентар ва жиҳозларни янгилаш ва ҳоказо).

### XI. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

11.1. Оммавий тарзда ишдан бўшатиш эҳтимоли мавжуд бўлганда, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга меҳнат бозорида талаб бўлган касбларга ўқиш, малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш, корхонада вақтинчалик ҳамда касаначилик иш ўринларини эгаллаш, тўлиқсиз иш вақти режимида ишлаш учун имкониятлар яратиб бериш.

11.2. Тиббий хулосага мувофиқ, фақат ҳомиладор аёлларни ишга жойлаштириш учун енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш ўринлари ажратиш.

11.3. ҳомиладор аёлларни тиббий кўрикдан ўтишлари учун, уларнинг ўртача иш хақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш (агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса);

11.4. Икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун танаффуслар ўрнатиш.

11.5. Болалик аёлларнинг болани парваришлаш таътилида бўлган вақтини ҳақ тўланадиган йиллик таътили олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш.

11.6. Норматива кўзда тутилганидан ташқари аёллар учун шахсий гигиена хоналарини ташкил этиш, соғломлаштириш мажмуалари ва дам олиш хоналарини барпо этиш.

11.7. Бошқа имтиёзлар.

(Масалан, кўп болалик аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, улар учун қўшимча тиббий хизмат, санаторий-курортларда бепул даволаниш, қисқартирилган иш вақти, ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар (дам олиш кунлари) жорий этиш).

### XII. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

(Мазкур бобда «ёш ходимлар», «ёш мутахассислар», «ёш оилалар» тушунчалари мезонларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир).

12.1. Корхонанинг ишида ва ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида томонлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

— Халқаро меҳнат ташкилотининг 138, 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

11

*Қирқиш чизиғи*

ва бошқа ҳолларда) ходимга бериладиган кафолатлар.

5.15. Қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;

(Агар жамоа шартномасида корхона «молиявий аҳволи» ёки «ишлаб чиқариш кўрсаткичлари» ёмонлашган тақдирда қўшимча ва устама тўловлар бекор қилиниши кўзда тутилган бўлса, шартнома матнида бу тушунчалар нимани англатиши изоҳлаб берилиши керак).

### VI. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

6.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларининг бажарилиши меҳнат шартномалари, таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, мансаб йўриқномалари, корхона Низоми ҳамда Ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан таъминланиши ва назорат қилиниши борасида тарафлар мажбуриятлари.

6.2. Иш берувчи мажбуриятлари:

6.2.1. ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун тармоқ ва давлат мукофотларига тақдим этиш;

6.2.2. ходимларни меҳнатдаги ютуқлари учун ҳамда юбилей саналарида (50, 55, 60 ёшга тўлганда):

— пул мукофотлари билан;
— ташаккур эълон қилиш билан;
— қимматбаҳо совғалар билан;
— корхонанинг санаторий-профилакторийсига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг санаторийлари ва дам олиш уйларига йўлланмалар тақдим этиш йўли билан рағбатлантириш.

### VII. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори.

7.2. Иш берувчининг зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечиш ҳуқуқини тартибга солиш.

7.3. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг (агар улар бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қиладиган бўлсалар) тоифалари рўйхати.

7.4. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати.

### VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

8.1. Иш жойларидаги меҳнат шароитларини, меҳнат муҳофазасини ва хавфсизлик техникаси аҳволини яхшилаш бўйича тадбирлар ўтказиш учун зарур бўлган маблағ ва ашёлар ажратилишини кўзда тутиш ва уларни ишлатиш тартиби.

8.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш фондини барпо этиш.

8.3. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларни сайлаш тартиби, шартлари ва меъёрлари.

8.4. Меҳнат шароитлари ва муҳофазаси

8

*Буклаш чизиғи*

қоидаларига мувофиқ иш жойларини паспортлаштириш ва аттестация қилишни ўтказиш.

8.5. Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш ишларини ташкил этиш.

8.6. Ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш борасида жонбозлик кўрсатган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш.

8.7. Ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларнинг рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати, бу ишларда банд бўлган ходимларга бепул бериладиган сут (ёки шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситаларининг нормалари, таъминот тартиби ва шартлари.

8.8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 214-моддасига биноан дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши ташкил қилинадиган касблар, лавозимлар ва ходимлар тоифалари рўйхати.

### IX. ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

(Мазкур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш, шунингдек, аввалги йилларда ўрнатилган имтиёзларни имкон қадар сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур шартнома мақсадида оилаларнинг кўп болалик ва кам таъминланганлик мезоналарини ҳам белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир).

9.1. Ходимларнинг турли гуруҳлари учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий суғурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санатория-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо.

9.2. Корхона ҳисобидан ходимларни санаторий-курортларда, санаторий-профилакторийларда, дам олиш уйларида соғломлаштириш ва дам олдиришнинг аниқ кўрсаткичлари.

9.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳар йили қабул қилинадиган ижтимоий йўналишдаги Давлат дастурларини амалга ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қатъий бажарилишига эришиш борасида тарафларнинг мажбуриятлари.

(Масалан, 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан тегишли тадбирлар режалаштирилиши мақсадга мувофиқдир):

9.4. Ходимларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаб бориш бўйича иш берувчининг мажбурияти.

9.5. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига биноан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пен-

9

---

Insonga naf keltirish – oliy baxt

**Muassis:**
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay`ati:**
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To`lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Anvar YUNUSOV

**Bo`limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 679 32 79;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko`rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir:
A.Toshev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -21.40

Буюртма Г — 151

21000 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 345